

Абдуллаева С. – ТМИ,
мустақил тадқиқотчи

МАКРОИҚТИСОДИЙ ИНДИКАТОРЛАР БАНК ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

Мақолада макроиқтисодий индикаторлар таснифланган, уларнинг банк тўлов қобилиятини мустаҳкамлашдаги ўрни ва амалиётдаги ҳолати тадқиқ этилган, шунингдек, бу борада айрим хулоса ва тавсиялар шакллантирилган.

Таянч сўзлар. Банк тўлов қобилияти, макроиқтисодий индикаторлар, тўлов баланси, ташқи савдо айланмаси, молия бозори, монетар сиёсати.

В статье исследованы природа макроэкономических индикаторов, их место в укреплении платежеспособности банков сделаны соответствующие выводы, а, также, разработаны некоторые рекомендации.

Ключевые слова. Платежеспособность банков, макроэкономические индикаторы, платежный баланс, внешний торговый оборот, финансовые рынки, монетарная политика.

The article investigates the macroeconomic indicators, their place in strengthening the solvency of banks and the state in practice, also developed some conclusions and recommendations.

Keywords. Solvency of banks, macroeconomic indicators, balance of payments, foreign trade turnover, financial markets, monetary policy.

Макроиқтисодий индикаторлар мамлакатнинг иқтисодий ҳолатига баҳо беришда ва унинг рейтингини аниқлашда кенг қўлланилади. Шунингдек, мамлакат макроиқтисодий индикаторларининг кўрсаткичлари банклар тўлов қобилияти мустаҳкамлигига бевосита ва билвосита таъсир қилади.

Халқаро амалиётда мамлакатнинг ҳудудий жойлашуви ва молиявий бозорларнинг ривожланиш даражасига қараб макроиқтисодий индикаторларни куйидаги тартибда таснифлаш мумкин [1]:

– тўлов ва савдо баланси – мамлакатнинг тўлов ва савдо муносабатлари билан боғлиқ ҳисоботларни акс эттиради. Мазкур индикатор мамлакатлар ўртасида амалга ошириладиган тўлов ва савдо ҳисоб-китоблари билан боғлиқ молиявий маблағлар ҳаракатини назорат қилади, мамлакатнинг умумий ҳолатига баҳо бериш имкониятини беради ва тегишли қарорларни қабул қилишда қўлланилади;

– ЯИМ кўрсаткичлари ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган улуши. Банклар фаолиятига баҳо беришда уларнинг қатор кўрсаткичлари мамлакат ЯИМга нисбати аниқланади, шунингдек, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ улушининг юқори ёки пастлиги уларнинг тўлов қобилияти барқарорлиги ва жамғармалар ҳажмига таъсир этувчи иқтисодий омиллардан бири ҳисобланади;

– молиявий бозорнинг ҳолатини акс эттирувчи индикаторлар. Бунга пул, акция ва облигациялар бозорининг ҳолати, уларнинг даромадлилик даражаси ва бошқалар киради;

– макроиқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари. Уларнинг ичида мамлакат миллий валютасининг инфляция даражаси ва аҳолини иш билан таъминланганлик ҳолати банкларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамлигига бевосита ва билвосита таъсир қилади. Таъкидлаш жоизки, инфляция ва ишсизлик даражасини белгиловчи макроиқтисодий индикаторлар бир-бирига ўзаро тескари пропорционал бўлиб, мамлакатда инфляция даражаси пасайганда ишсизлик даражаси ортади, ишсизлик даражаси пасайганда инфляция даражаси ортади. Банкларнинг тўлов қобилиятига инфляция бевосита таъсир қилса, ишсизлик билвосита таъсир қилади.

Англиялик иқтисодчи Жон Мейнард Кейнс инфляция ва ишсизлик хусусидаги назарий қарашларида капитализмнинг иккита камчилигини, яъни аҳолини тўлиқ иш билан таъминлаш ва яратилган миллий даромадни баравар тақсимлаш имконияти йўқлигини таъкидлайди, агар шу икки муаммонинг ечими топилса капитализм иқтисодиётни юритишнинг энг самарали тизимидир, дея эътироф этади [2].

Маълумки, инфляция ва ишсизлик даражасини ноль даражага тушириш имконияти йўқ, шу боис Марказий банк тегишли давр учун монетар сиёсатни ишлаб чиқишда уларнинг миллий иқтисодиётга таъсир қилмайдиган меъёрларини инобатга олган ҳолда пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди;

– фаоллик индекслари (ишбилармонлик ва истеъмол) орқали мамлакатдаги ялпи талаб ва ялпи таклифнинг узоқ муддатга мўлжалланган башоратлари ишлаб чиқилади;

– иқтисодиётда пул-кредит сиёсати самарадорлигини аниқловчи индикатор. Хусусан, унинг таркибига унинг таркибига миллий валютанинг тўлов қобилияти, кредит ва депозитлар бўйича фоиз ставкалари, монетизация коэффициенти каби индикаторларни киритиш мумкин. Масалан, Марказий банк пул-кредит сиёсати таркибидаги монетизация коэффициенти жуда муҳим ўрин тутди. Халқаро молиявий ташкилотлар ва экспертларнинг фикрларига кўра, унинг миқдори, ўтиш иқтисодиёти шароитидаги мамлакатларда камида 60 фоиз атрофида бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади[3]. Монетизация коэффицентининг тегишли меъёрий даражадан пастлиги банкларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамлигини пасайтиради, уларнинг кредитлаш имкониятларини чегаралайди, депозит ва кредитларнинг фоиз ставкаларини ошишига олиб келади.

1-расмда мамлакатимиз банклари тўлов қобилияти мустаҳкамлигига бевосита ва билвосита таъсир қиладиган макроиқтисодий индикаторлар келтирилган.



1-расм. Банклар тўлов қобилиятига таъсир қиладиган макроиқтисодий индикаторлар¹


Бизнинг назаримизда, расмда келтирилган ЯИМ, тўлов баланси, молия бозори, монетар сиёсат, аҳолининг ўртача иш ҳақи ва меҳнат бозори ҳолатини белгиловчи макроиқтисодий индикаторлар банклар тўлов қобилияти мустақамлигига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган асосий индикаторлар ҳисобланади.

Маълумки, банкларнинг молиявий барқарорлиги, активлар, капитал ва мажбуриятлар ҳолатига баҳо беришда уларнинг ҳажмини мамлакат ЯИМга нисбати эътиборга олинади. Хусусан, мамлакат банк тизими капиталининг ўсиш суръати ЯИМнинг йиллик ўсиш суръатидан паст бўлмаслиги лозим.

2-расмда Ўзбекистон тижорат банклари активлари, кредитлари ва капиталининг мамлакат ЯИМга нисбати ва динамикаси келтирилган. Унинг маълумотларидан кўришиб турибдики, таҳлил этилган даврда мамлакатимиз банклари жами активлари, кредитлари ва капиталининг ўсиш суръати мамлакат ЯИМга нисбатан ортиб бориш тенденциясига эга бўлган. Банкларнинг активлари, кредитлари ва капиталининг мамлакат ЯИМга нисбатан улушининг юқорилигини қуйидаги ижобий жиҳатлари мавжуд:

– миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва барқарорлигини таъминлашда банкларнинг иштироки ортади. Таҳлил этилган 2008-2014 йилларда ушбу кўрсаткич ўртача 28-30 фоизни ташкил этган. Ваҳоланки, хорижий банклар активлари, кредитлари ва капиталининг мамлакат ЯИМ таркибидаги улуши камида 80-90, айрим мамлакатларда 150-250 фоизни ташкил этади [4].

¹ Расм муаллиф томонидан тузилган.



2-расм. Ўзбекистон банклари асосий кўрсаткичларининг ЯИМга нисбати ва динамикаси, (ЯИМга нисбатан фоизда, 1 январь ҳолатига) [5]

– банк кредитлари ҳажмининг мамлакат ЯИМга нисбатан салмоғининг юқорилиги уларнинг даромадлари ва капиталлашув даражасини ошириш имкониятини яратади. Таҳлил этилган даврда тижорат банклари кредитлари мамлакат ЯИМга нисбати 16,5-18 фоиздан иборат бўлган. Агар айнан шу кўрсаткични айрим ўтиш иқтисодиёти ва ривожланаётган мамлакатлар банкларига солиштириб кўрадиган бўлсак сезиларли даражада паст эканлигининг гувоҳи бўламиз;

– банклар капитали ҳажми мамлакат ЯИМга нисбатан 10-12 фоиз атрофида бўлиши уларнинг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлайди, омонатчилар, инвесторлар ва мижозларнинг ишончини оширади. 2-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимиз тижорат банклари капиталининг ЯИМга нисбати 2010-2013 йиллар 1 январь ҳолатига 5-6 фоиз атрофида бўлган бўлса, 2014-2016 йил 1 январда 4,51-4,85 фоизни ташкил этган. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз банклари капитали мутлақ суммада йилдан йилга ортиб бормоқда. Бироқ, банклар капиталининг ўсиш суръати мамлакат ЯИМнинг ўсиш суръатидан паст бўлганлиги боис, унинг ЯИМга нисбатан даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Тижорат банклари молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилияти мустаҳкамлигига мамлакат тўлов балансининг ҳолати ва ўзгариши ҳам билвосита таъсир қилади. Агар ташқи савдо баланси ижобий қолдиққа эга бўлса банкларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамланади, аксинча, салбий бўлса заифлашувига олиб келади. Хусусан, ташқи савдо баланси салбий қолдиққа эга бўлганда, мамлакат миллий валюта бозорида хорижий валюталар таклифини пасайишига ва талабининг ошишига олиб келади. Масалан, 2014 йилда АҚШ ва Европа Иттифоқининг Россияга нисбатан жорий этган иқтисодий санкциялари натижасида мамлакат ташқи савдо балансида салбий қолдиқ вужудга келди. Бу

эса, ўз навбатида, миллий валютанинг АҚШ доллари ва еврога нисбатан кескин қадрсизланишига олиб келди.

Мамлакат савдо баланси ижобий қолдиққа (экспорт ҳажмининг импорт ҳажмига нисбатан юқорилиги) эга бўлганда валюта бозорида хорижий валютанинг таклифи ошади, миллий валютанинг барқарорлиги мустаҳкамланади. Бундан кўринадики, миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан курси пасаяди ва сотиб олиш қобилияти ортади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда умумий тўлов баланси ижобий қолдиққа эга бўлган. Айниқса, 2016 йилда ташқи савдо айланмаси қарийб 24,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан 1,0 фоизга камайди. Ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси 453,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди[6]. Назарий ва методологик жиҳатдан мамлакат тўлов баланси барқарор равишда ижобий қолдиққа эга бўладиган бўлса, мамлакат миллий валютасининг хорижий валюталарга нисбатан курси барқарорлашиб бориши зарур. Бироқ, кўпчилик МДҲ мамлакатлари, хусусан республикамиз тўлов баланси ижобий қолдиққа эга бўлсада миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан курси доимий равишда пасайиб бормоқда.

Банклар тўлов қобилияти мустаҳкамлигига таъсир қиладиган кейинги макроиқтисодий кўрсаткич мамлакат молия бозоридаги ҳолат ҳисобланади. Банклар молия бозорининг эмитенти сифатида иштирок этганда муомалага чиқарган қимматли қоғозлар ҳисобидан шакллантирилган узок муддатли ресурслари уларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамлиги ва барқарорлигига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, рискка тортилган активларнинг риск даражасини пасайтиради.

Банкларнинг инвестор сифатида маҳаллий ва хорижий бозорлардан юқори ликвидли қимматли қоғозларни сотиб олиши кутилмаганда вужудга келиши мумкин бўлган мажбурий талабларни бажариш билан боғлиқ зиддиятларни ечиш имкониятини беради.

Ўзбекистон тижорат банклари мамлакат молия бозорида эмитент ва инвестор сифатида амалга ошираётган фаолияти уларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлашдаги имконияти бир қадар чегараланган. Чунки, банкларнинг эмитент сифатида жалб қилган маблағларининг депозит бўлмаган ресурслари таркибидаги салмоғи жуда паст (1 фоиз атрофида), шунингдек, банкларнинг инвестицион фаолияти ҳам етарли даражада ривожланмаган (жами активлар таркибидаги улуши 0,7 фоиз атрофида).

Ривожланган мамлакатларда ҳукумат ва Марказий банкнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида сезиларли даражада юқори салмоқни эгаллайди.

Марказий банкнинг монетар сиёсати банкларнинг тўлов қобилияти мустаҳкамлигига бевосита таъсир қилади. Монетар сиёсат – бу пулларга бўлган талаб ва пуллар таклифини тартибга солиш ва назорат қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир. Иқтисодий адабиётда монетар сиёсатга нисбатан турли ёндашувлар мавжуд. М.Малкина: “Монетар сиёсат – Марказий банк томонидан пул массаси ва пуллар қийматини бошқариш бўйича комплекс чора-

тадбирлар бўлиб, мамлакатда баҳолар, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади” [7].

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар инструментлар орқали тижорат банклари тўлов қобилияти мустаҳкамлигини ошириш юзасидан қатор ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, кейинги йилларда қайта молиялаш ставкасини босқичма-босқич пасайтириб келмоқда. Масалан, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2004 йил 14,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йил 1 январдан 12,0 фоиз ва 2014 йил 1 январдан бошлаб 10,0 фоиз бўлса, 2015 йил 1 январдан 9,0 фоиз этиб белгиланди [8]. Марказий банкнинг ушбу сиёсати мамлакатдаги тижорат банкларининг ликвид молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, уларнинг кредитлаш имкониятини ошириш ва тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Маълумки, мамлакатда ўртача иш ҳақининг юқорилиги уларнинг тўлов қобилияти барқарорлиги ва мамлакат ялпи талабининг ошишига олиб келади. Бунинг учун, биринчи навбатда, мамлакатдаги меҳнат лаёқатли аҳолини тўлиқ иш билан таъминланган бўлиши зарур, буларнинг барчаси миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини ҳамда банкларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Макроиқтисодий индикаторларнинг банклар тўлов қобилиятига таъсири хусусида амалга оширилган таҳлиллар, ўрганишлар ва тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

– таҳлил қилинган даврда тижорат банклари активлари, кредитлари ва капиталининг ЯИМдаги салмоғи бир қадар паст бўлган. Бу уларнинг реал иқтисодиётни кредитлаш имкониятларини пасайтиради, банк даромадлари ва капитали ҳажмини оширишга салбий таъсир кўрсатади ҳамда омонатчилар, инвесторлар ва мижозларнинг ишончини пасайишига олиб келади;

– тижорат банклари тўлов қобилияти мустаҳкамлигини таъминлашда молия бозори ҳолатини ифодаловчи индикаторлар мавжуд эмас, шу боис ушбу йўналишни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратиш зарур;

– банкларнинг капитали ҳажмини мамлакат ЯИМга нисбатан улушини 10-12 фоизга етказиш орқали уларнинг тўлов қобилиятини янада мустаҳкамлашга эришиш лозим;

– банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестор ва эмитент фаолиятини ривожлантириш лозим. Бу уларнинг узоқ муддатли молиявий ресурслар ҳажмини оширишга ва даромад келтирадиган активлар бўйича мавжуд риск даражасини пасайтириш имкониятини беради ҳамда тўлов қобилиятини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, банкларнинг активлари, рискка тортилган активлари, капитали ва бошқа асосий кўрсаткичларини мамлакат ЯИМга нисбатини оширишнинг қатор имкониятлари мавжуд бўлиб, улардан оқилона фойдаланиб банкларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва аҳоли ишончини янада ошириш лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. <http://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/1552504>https://tradersunion.ru/page/makrojekonomicheskie_indikator/
2. Кейнс Дж.М. (1993). Общая теория занятости, процента и денег// Избранные произведения. –М.: Экономика. [Keynes J.M. (1993)/ General Theory of Employment, Interest and Money. Moscow: Economica.]
3. Тихонов А. Коэффициент монетизации: некоторые аспекты теории, сравнительный анализ и практические выводы//Банковский вестник. – Минск, 2000. - №25 (132). - С. 4-9.
4. International Financial Statistics IMF. July 2013.
5. Пул-кредит сиёсати. <http://www.cbu.uz/uzc/node>.
6. Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. <http://www.cbu.uz/uzc/node>
7. Малкина М.Ю. Экономическая теория. Учебное пособие. – Н.Новгород: Изд-во “ННГУ им. Н. И. Лобачевского”, 2005. – С. 251.
8. Пул-кредит сиёсати. <http://www.cbu.uz>.